

**“НАВРЎЗ ДЕХҚОН БОЗОРИ” АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШКАРИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШ  
БАЁНИ**

**2022 йил 21 сентябр  
соат 11-00**

**Тошкент шаҳри**

Овоз берувчи акциялар сони: 7 150 000 дона эгасини номи ёзилган нақтсиз.

Акциядорларнинг Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилиши, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Гулсанам ва Буюк Ипак Йули кучалари кесишимаси манзилда жойлашган “Наврўз дехқон бозори” АЖ маъмурий биносида 2022 йил 21 сентябр куни ўтказилди. Йиғилишда 7 050 065 овозга эга 5 та акциядор қатнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Т.К.Камолов - “Наврўз дехқон бозори” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси

О.С.Машарипов - “Наврўз дехқон бозори” АЖ директори в.б.

Х.Ж.Олимов - “Наврўз дехқон бозори” АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров -“Наврўз дехқон бозори” АЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 5 та акциядор, 7 050 065 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,6 % ни ташкил этди.

Реестр бўйича акциядорлар сони 475 та. 7 150 000 овоз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК номидан ишончнома асосида Т.К.Камолов қатнашмоқда.

Йиғилишда раисликни Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,6% бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан кабул килинди.

Шунингдек Т.К.Камолов Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиеваларни йиғилиш саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб, овозга қўйди.

Саноқ комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан кабул килинди.

Йиғилиш раиси умумий йиғилиш кун тартибига “Жамиятнинг Кузатув кенгаши тавркибиغا узгартириш киритиш ва кенгаш таркибини кайтадан сайлаш” масаласи киритилганлигини маълум қилди:

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масала мухокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан кабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масала юзасидан регламент қўйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Асосий масалага 5 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Саноқ комиссияси томонидан йиғилиш мухокамасига қўйилган масала юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

**Мажлис раиси** кун тартибидаги **масала** юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов “Тошкент шаҳар ҳокимлиги муниципал активларни бошқариш маркази Давлат унитар корхонаси” нинг 2022 йил 22 августдаги 01-3116-сонли хатини укиб эшитирди.

Хатда: Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини айримлари бошка ишга утганликлари муносабати билан улврни урнига янги кенгаш аъзоларни сайлаш зарурияти туғилгани

асосида, - “Наврӯз деҳкон бозори” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига кўйдаги номзодлар тақлиф этилган:

<b>Раззаков Аҳад Анварович</b> -	Тошкент шаҳар Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори;
<b>Ирматов Мурод Абдукахорович</b> -	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК ижрочи директори;
<b>Расулов Камолиддин Раимберди ўғли</b> -	“Муниципал активларни бошқариш маркази” . . . ДУК бош директори ўринбосари;
<b>Иброҳимов Тўлқин Собитович</b> -	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи;
<b>Камолов Толмас Каримович</b> –	Акциядор.

Курсатиб утилган номзодлар овоз бериш бюллитенига киритилган.

**Мажлис раиси** ушбу масала бўйича савол ва тақлифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овзларини қайд этишларини сўраб, умумий йигилиш кун тартибидаги масала кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги масалага овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси Д.Шоназаров ўқиб эшиттириб, куйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

<b>Раззаков Аҳад Анварович</b> -	7 050 065 кумулятив овоз билан сайланди.
<b>Ирматов Мурод Абдукахорович</b> -	7 050 065 кумулятив овоз билан сайланди..
<b>Расулов Камолиддин Раимберди ўғли</b>	7 050 065 кумулятив овоз билан сайланди.
<b>Иброҳимов Тўлқин Собитович</b>	7 050 065 кумулятив овоз билан сайланди.
<b>Камолов Толмас Каримович</b>	7 050 065 кумулятив овоз билан сайланди.

**Мажлис кун тартибидаги масала бўйича Қарор қабул қиласи.**

- Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансан: А.А.Раззаков- 7 050 065 та овоз, М.А.Ирматов- 7 050 065 та овоз, К.Р.Расулов- 7 050 065та овоз, , Т.С.Иброҳимов- 7 050 065та овоз, Т.К.Камолов- 7 050 065 та овоз.

Баённома имзоланган сана: «29» сентябр 2022 иш

Мажлис раиси

Т.К.Камолов

Мажлис котиби

Д.Рахматова